

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

ХАЛИМБЕТОВ ГУЛОМЖАН СУЛТАНБАЕВИЧ

БОЛАЛАРДА АСАБ ТИЗИМИНИНГ ПЕРИНАТАЛ ЗАРАРЛАНИШИ
АСОРАТЛАРИ, КЛИНИК-БИОКИМЁВИЙ ПАРАЛЛЕЛЛАР

14.00.13 – Неврология
14.00.25 – Клиник-лаборатор ва функционал диагностика

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2018

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Халимбетов Гуломжан Султанбаевич

Болаларда асаб тизимининг перинатал зарарланиши асоратлари, клиник-
биокимёвий параллеллар.....3

Халимбетов Гуломжан Султанбаевич

Последствия перинатального поражения нервной системы у детей, клинико-
биохимические параллели.....27

Khalimbetov Gulomjan Sultanbaevich

Consequences of perinatal damage of the nervous system in children: clinico-
biochemical parallels.....52

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....56

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

ХАЛИМБЕТОВ ГУЛОМЖАН СУЛТАНБАЕВИЧ

БОЛАЛАРДА АСАБ ТИЗИМИНИНГ ПЕРИНАТАЛ ЗАРАРЛАНИШИ
АСОРАТЛАРИ, КЛИНИК-БИОКИМЁВИЙ ПАРАЛЛЕЛЛАР

14.00.13 – Неврология
14.00.25 – Клиник-лаборатор ва функционал диагностика

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc /Tib86 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифаси (www.tipme.uz) ва “ZiyoNet” ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар:	Шамансуров Шоанвар Шамуратович тиббиёт фанлари доктори, профессор
	Арипов Абдумалик Нигматович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Ройтман Александр Польевич тиббиёт фанлари доктори, профессор (Россия Федерацияси)
	Рахимбаева Гулнора Саттаровна тиббиёт фанлари доктори, профессор
	Садикова Гулчехра Кабуловна тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Академик И.П.Павлов номидаги биринчи Санкт-Петербург давлат тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.31.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100007, Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани Паркент кўчаси 51-уй. Тел./Факс: (+99871) 268-17-44); e-mail: info@tipme.uz, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти мажлислар зали.)

Диссертация билан Тошкент врачлар малакасини ошириш институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100007, Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани Паркент кўчаси 51-уй. Тел./Факс: (+99871) 268-17-44.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2018йил«___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Х.А.Акилов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н.Убайдуллаева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари номзоди, доцент

Б.Г.Гафуров

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Охирги ўн йилликлар перинатал тиббиётнинг жадал ривожланиши, мавжуд ташхислаш ва даволаш усулларининг такомиллашуви ҳамда амалиётга янги туғилган болалар парваришининг янги, юқори самарадор технологияларини интенсив жорий этилиши билан тавсифланади. Шунга қарамай, перинатал даврда асаб тизими патологияси тарқалганлиги, унинг ривожланиб бораётгани муаммо ўз долзарблигини йўқотмаганини кўрсатади. Асаб тизими перинатал зарарланиши (АТПЗ) бир ёшгача бўлган болалар асаб патологиясининг тез-тез учраб турадиган туридир. Болалар ногиронлиги таркибида марказий асаб тизими (МАТ) шикастланиши 50% ни ташкил этади, болаларни ногиронликка олиб келувчи асаб тизими патологияси турли шаклларининг 70% и эса перинатал омиллар билан боғлиқ. Церебрал гипоксия билан боғлиқ бош мия шикастланиши янги туғилган чақалоқларнинг 48% ида учрайди. Ҳомила ва чақалоққа кислород етишмаслиги натижасида мия шикастланиши 20–40%, кам вазн билан туғилган болаларда 60–70% ни ташкил этади¹.

Жаҳонда АТПЗ бор бемор болаларни ташхислаш, эрта аниқлашда янгича ёндашувлар ва даволаш тактикасининг натижалари бўйича юқори самарадорликка эришиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Асосий эътибор республикамизда болалар ўлимини камайтириш мақсадида ўсиб келаётган ёш авлод соғлигини сақлашга қаратилган. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни янги босқичга кўтариш, тиббий амалиётга замонавий, самарадор ташхислаш усулларини жорий қилишга қаратилган муҳим вазифалар белгиланди². Бунга мувофиқ АТПЗда чақалоқлар реабилитацияси ва парваришини таъминлаш, натижада мия шикастланиши оқибатлари тарқалишини, болалар церебрал фалажи ва симптоматик эпилепсия юзага келишини сезиларли равишда камайтириш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Ўзбекистоннинг қишлоқ жойларида ўтказилган АТПЗ асоратли илк ёшли болаларнинг клиник усулдаги текширувлари ушбу патологиянинг содир бўлиши даражасини кўрсатди ва уларни шакллантирувчи асосий омиллар (ҳомила шикастланиши, бачадон ичи ва интранатал гипоксия, ҳомила асфиксияси ва ҳоказо) аниқланди (Шамансуров Ш.Ш. ва бошқ., 2010).

Дунёда эрта ташхислаш усуллари ва АТПЗ билан туғилган чақалоқларни даволашнинг самарадор йўллари ишлаб чиқишга йўналтирилган, гипоксик-ишемик ёки токсик гипоксия ўтказилгандаги функционал ва

¹Бу ҳақда қаранг: Перинатал асаб тизими зарарланиши асоратлари // Шамансуров Ш.Ш., Студеникин В.М. Эрта ёшдаги неврология. – Тошкент, «O'QITUVCHI», 2010. – Б.129–141.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида.

органик оқибатлар, хусусан, бош мия шикастланиши (БМШ) ва АТПЗда нейронлар шикастланишида гипоксиянинг ролини аниқлаш, некрозга олиб келувчи асосий патофизиологик ва биокимёвий жараёнлар, нейрон ва глиал хужайралар апоптози, эндоген ва экзоген ҳамда молекуляр хужайралар бошқаруви, гипоксиядан сўнг нейронларни тиклашга йўналтирилган илмий тадқиқотлар ўтказилмоқда. Чақалоқларда АТПЗни МРТ усулида ташхислашнинг мезонлари ишлаб чиқилган, бироқ зардобли нейроспецифик оқсилларнинг диагностик ва прогностик аҳамияти, даволашнинг тактик оптимизацияси муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2016 йил 25 апрелдаги ПҚ-2487-сон “Соғлом она ва бола” йили Давлат дастури тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³.

Ташхислашга замонавий ёндашувларни ишлаб чиқишга, дифференциацияланган терапия ва мониторингга йўналтирилган илмий тадқиқот ишлари дунёнинг етакчи илмий марказлари ҳамда олий ўқув юртлари, жумладан, Department of Neonatology, Perinatal Medical Center, Kagoshima City Hospital, Kagoshima and Department of Obstetrics, Hokkaido University Graduate School of Medicine, Division of Neonatology, Center for Maternal–Neonatal Care, Nagoya University Hospital, National Center for Child Health and Development (Japan); Department of Biochemistry Institute of Medical Sciences (India); Department of Pediatrics and Neonatology Faculty of Medicine (Turkey); Department of Obstetrics & Gynecology, Department of Pathology Department of Pediatrics, Department of Clinical Genetics, University Medical Centre Groningen (Netherlands); Department of Pediatrics, Department of Obstetrics and Gynecology and Department of Medical Neurochemistry University Hospital (Sweden); Universitaˆts Klinik fўr Neurologie, and †Institut fўr medizinis cheund chemische Labordiagnostik, Allgemeines Krankenhaus Wien (Austria); Institute for Women’s Health, University College London Hospitals, (London),

³Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: <http://www.cchp.ru/poliklinika4651>, www.xn80aocaipeaifmp.xn-p1ai, www.geront.kiev.ua, neuronsk.ru/contacts.php, www.med-rf.ru, www.neurology.ru, www.ean.org, www.aan.com, <https://www.wfnurology.org>, <http://pdcenter.neurology.ucsf.edu>, <http://www.thepi.org>.

Россия ва МДХ давлатлари етакчи тиббиёт муассасалари ва Тошкент врачлар малакасини ошириш институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

БМШ ва АТПЗда нейронлар шикастланишида гипоксиянинг ролини аниқлашда қатор, жумладан, қуйидаги илмий ва амалий натижалар олинган: некрозга олиб келувчи асосий патофизиологик ва биокимёвий жараёнлар ёки нейрон ва глиал хужайралар апоптози, эндоген ва экзоген ҳамда молекуляр хужайралар бошқаруви, гипоксиядан сўнг нейронларни тиклаш ўрганилган (Department of Biochemistry Institute of Medical Sciences, India; Department of Pediatrics and Neonatology Faculty of Medicine, Turkey); ГИЭ натижасида салбий оқибатлар хавф омиллари ўрганилган (Division of Neonatology, Center for Maternal–Neonatal Care, Nagoya University Hospital, National Center for Child Health and Development (Japan); перинатал ўлим механизмларининг асосий сабабларини таснифлаш учун Tulip яратилган (Department of Obstetrics & Gynecology, Department of Pathology Department of Pediatrics, Department of Clinical Genetics, University Medical Centre Groningen, Netherlands); чақалоқларда АТПЗни МРТ усулида ташхислашнинг мезонлари ишлаб чиқилган (Division of Neonatology, Center for Maternal–Neonatal Care, Nagoya University Hospital, National Center for Child Health and Development, Japan); зардобли S-100β оксиленинг диагностик ва прогностик аҳамияти, чақалоқларда ГИЭ ташхисида бош мия ва пешоб кислотаси учун специфик креатинкиназалар NSE, IL-6 ўрганилган (Department of Pediatrics and Neonatology Faculty of Medicine, Turkey; Department of Pediatrics, Department of Obstetrics and Gynecology and Department of Medical Neurochemistry University Hospital, Sweden; Department of Biochemistry Institute of Medical Sciences, India); тоник-клоник хуружлар ёки эпилептик статусли шайтонлаш тарқалишида S100 оксиленинг роли кўрсатилган (Universitäts Klinik für Neurologie, and †Institut für medizinische und chemische Labordiagnostik, Allgemeines Krankenhaus Wien, Austria); неонатал эпилептик шайтонлашлар пайдо бўлиш механизмлари ва муддатлари, олдини олиш терапиясини олиб бориш учун терапевтик дарчаларнинг мавжудлиги (Institute for Women's Health, University College London Hospitals, London, United Kingdom); АТПЗ фармакотерапияси тамойиллари ишлаб чиқилган (Institute for Women's Health, University College London Hospitals, London, United Kingdom); болалар асаб тизими перинатал зарарланиши асоратлари, клиник-биокимёвий параллелларини оптималлаштириш тартиби исботланган (Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, Ўзбекистон).

Дунёда ташхислашга замонавий ёндашувлар, дифференциацияланган терапия ва мониторингни ишлаб чиқиш, жумладан, хавф ривожланишининг молекуляр механизмларини ўрганиш, диагностик ва прогностик мезонларни ишлаб чиқиш ва аниқлаш, терапияни такомиллаштириш, АТПЗ асоратлари профилактикаси, касаллик оқибати ва давомийлигини прогнозлаш, беморларни даволашнинг мониторинги бўйича муҳим йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. ЖССТ маълумотларига кўра болаларнинг 10% асаб-психик касалликлардан азият чекишади, 80% ида асаб

тизимининг перинатал зарарланиши кузатилади. Эпидемиологик тадқиқотлар хулосасига кўра «МАТ перинатал шикастланиш» ташхиси болалар ҳаётининг биринчи йилидаги частотаси 715:1000 га етади. Ушбу ташхис асосий ва ёндош касаллик сифатида неонатология стационарида даволанган болаларнинг 90% дан кўпроғига қўйилади. Бош миянинг перинатал шикастланиши болалардаги асаб тизими касалликлари таркибида 60–80% ни ташкил этиб, етакчи ўринни эгаллайди (Пальчик А.Б., Шабалов Н.П., 2011; Барашнев Ю.И., 2007; Студеникин В.М., Шамансуров Ш.Ш., 2014). Россия Федерациясида АТПЗнинг болалар ҳаётининг биринчи йилида учраши фавқулудда юқори кўрсаткичга эга бўлиб, айрим манбаларга кўра у 86%га етади. Охирги 5 йил ичида чақалоқлар умумий касалликлари кўрсаткичлари 26,2%га АТПЗ ҳисобига ошган, [Кривоногова Т.С., Черновская Л.К., Матвеева Л.А., Тропова Т.Е., 2004].

Худди шундай вазият Ўзбекистонда ҳам кузатилади. Ўзбекистоннинг қишлоқ жойларида ўтказилган АТПЗ асоратли илк ёшли болаларнинг клиник усулдаги текширувлари ушбу патологиянинг содир бўлиши даражасини кўрсатди ва уларни шакллантирувчи асосий омиллар аниқланди (Шамансуров Ш.Ш. ва бошқ., 2010).

Перинатал даврда пайдо бўлган церебрал шикастланиш кейинчалик болалар ногиронлиги ва дезадаптациясида етакчи роль ўйнайди (Барашнев Ю.И. ва бошқ., 2006; Кузенкова Л.М., 2006; Berger R., Garnier Y., 2000; Volpe J.J., 2001). 2–8 ёшли болаларда ҳатто мия гипоксиясининг енгил ва ўртача даражаларида ҳам минимал мия дисфункцияси сақланиб қолади (Лаврик С.Ю. ва ҳаммуал. 2012). Бу асосан некрозга ёки глиал ҳужайралар ва нейронлар апоптозига олиб келувчи патофизиологик ва биокимёвий жараёнлар билан, шунингдек, эндоген ва экзоген омиллар таъсирида бош мия функциялари ҳамда таркибини қайта тиклашга йўналтирилган молекуляр механизмларнинг ўзига хослиги билан боғлиқ (Yutaka Yamamoto, Satoshi Ibara, Takuya Tokuhisa, 2015; Chiaretti A.И ва бошқ., 2011). Ўткир церебрал шикастланиш оғирлигини гипоксик-ишемия ёки бошқа патологик ҳолатларга кўра эрта баҳолаш, бемор болаларда профилактик ёки терапевтик қарор қилишда жуда фойдали асос вазифасини ўтайди. Сўнгги йилларда диагностик ва прогностик мақсадлар учун перинатал асфиксия (кислород етишмаслиги) туфайли бош мия шикастланишининг ҳудудий даражасини ақс эттирувчи бир қатор биокимёвий параметрлардан фойдаланилмоқда. Яллиғланган цитокинларни аниқлашнинг прогностик аҳамияти ҳақида маълумотлар мавжуд (Youn Y.A. ва бошқ., 2012). АТПЗни янгилаш илмий-техникавий катта ютуқлардан фойдаланиб ўрганиш бўйича кенг кўламли тадқиқотлар ўтказилганига қарамай, АТПЗ ташхислаш мезонларини мукамаллаштириш долзарблигича қолмоқда. Буларнинг барчаси ушбу муаммо юзасидан АТПЗ даволаш самарадорлигини ошириш ва асоратларини олдини олиш мақсадида чуқурлаштирилган тадқиқотлар олиб боришни талаб этади.

АТПЗ ва унинг асоратларига чалинган беморларда кеч тикланиш даврида клиник, параклиник, биокимёвий ва иммунологик текширувларни

динамик ўрганиш мазкур йўналишда тадқиқот олиб борилганлиги бошқа давлатларда кузатилмади. Нейронларнинг ишемиядан сўнг шикастланиш молекуляр механизмлари охиригача аниқланмаган. Асаб тизими шикастланиши оқибатида келиб чиқадиган оғир асоратлар даражасини дифференциациялашган, бола мияси репаратив имкониятларини баҳолашга, адекват терапияни тайинлаш ва психомотор бузилиш, психонутқнинг ривожланиши, шайтонлаш синдроми ва болалар церебрал фалажи (БЦФ) прогнозини тахмин қилишга кўмаклашувчи маркерлар ёрдамида эрта ташхислашнинг аниқ мезонлари ишлаб чиқилмаган. Бундай тадқиқотлар янги ташхислаш алгоритмларини ишлаб чиқиш ва даволашни йўлга қўйиш ҳамда болалар реабилитацияси учун жуда муҳим. Бу муаммолар ечими фақатгина илмий-амалий аҳамият касб этмай, ижтимоий аҳамиятга ҳам эга. Буларнинг барчаси келажакда ушбу муаммолар бўйича мақсадли тадқиқотларни давом эттиришни талаб этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида «Ўзбекистоннинг худудий ўзига хосликларини ҳисобга олган ҳолда она ва бола саломатлигини ҳимоя қилишнинг янги технологиялари (2009–2015 йй.)» амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади АТПЗнинг ривожланишида диагностик ва прогностик мезонларни, молекуляр, патобиокимёвий ҳамда нейрофизиологик механизмлар асосида унинг терапевтик тактика мониторинги ва оптимизациясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

перинатал патология белгиларини эрта аниқлаш билан перинатал шикастланиш шаклланиши хавфи омиллари таҳлилини ўтказиш;

асаб тизими зарарланиши синдромлари ва даражасидан келиб чиқиб, АТПЗнинг турли даврлардаги неврологик бузилишлар клиник ҳолатини баҳолаш;

нейровизуал ва доплерографик ташхислаш усуллари ёрдамида шикастланиш даври, етакчи синдроми ва оғирлиги даражасига қараб, клиник-неврологик ва параклиник ўзгаришлар орасида корреляцион боғланишларни аниқлаш;

нейротрофик оқсиллар нервлар ўсиши омилига (NGF), нейроспецифик енолазаларга (NSE) ва АТПЗ ҳамда унинг асоратлари ташхисида, мониторингида ва прогнозлашда S100 оқсилга аутоантитаначаларнинг аҳамиятини аниқлаш;

етакчи синдром ва шикастланиш оғирлик даражасидан келиб чиқиб болалар қон зардобидидаги яллиғланган цитокинлар (IL-1 β , IL-6 и TNF- α) иммунологик текширувининг ташхисий аҳамиятини баҳолаш;

мембранадеструктив жараёнларда макро- ва микроэлементлар миқдори ўзгаришини илмий асослаш, етакчи синдром ва шикастланиш оғирлик даражасидан келиб чиқиб перинатал шикастланишдаги патологик жараёнларга гепатоцитлар жалб қилинишини баҳолаш;

олинган натижаларни системалаш асосида АТПЗ асоратларини прогнозлашнинг диагностик ва прогностик мезонларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти АТПЗ ўтказган 263 нафар ўз вақтида туғилган 3 ойликдан 3 ёшгача бўлган болалар, шулардан эрта (107 нафар бола) ва кеч (156 нафар бола) қайта тикланиш давридаги ҳамда АТПЗ ва ўткир инфекциян-яллиғланиш касалликлари бўлмаган назорат гуруҳидаги 40 нафар болани ташкил этди (ўртача ёш $2,34 \pm 0,27$ ёш).

Тадқиқотнинг предмети сифатида клиник-анамнестик ва лабораториявий-инструментал маълумотлар, беморлар, шунингдек, уларнинг қон таҳлили материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Муаммони ечиш ва тадқиқот мақсадига эришиш учун тадқиқот ишида замонавий функционал, биокимёвий, иммуноферментли ва статистик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

гипоксия даражасидан келиб чиқиб АТПЗ ўтказган болаларда оғирлик даражасининг клиник функционал бузилишлар орасида астеновегетатив кўринишнинг юзага келиши, органик бузилишлар орасида эса пирамида танқислиги синдроми ва психомотор ривожланишдан орқада қолиш (ПМРОК) ва неврологик синдромлар мувофиқлиги ҳам исботланган;

АТПЗ ривожланиши хавфи омиллари, функционал бузилишларда оналик, янги туғилганлик, экстрагенитал касалликлар, органик бузилишларда туғиш даври ва ҳомила ҳолати аниқланган;

АТПЗ салбий оқибатларини прогнозлашда нейродинамика ва бош миянинг электр фаоллигини аниқлашнинг диагностик аҳамияти жуда катта, доплерография, МРТ ёрдамида, симптоматик эпилепсия ривожланиши ва БЦФ хавфли гуруҳида мия қобиғи шикастланиши мавжудлиги аниқланган;

АТПЗ асоратларини прогнозлашда нейроспецифик оқсиллар S100, NSE, NGF ва иммун яллиғланган цитокинлар кўрсаткичларининг қонда юқори миқдорда сақланиб қолиши патология оқибатларининг салбий прогностик омили сифатида баҳоланган;

периферик қонда нейроспецифик оқсиллар миқдори ошишининг мембранадеструктив жараён билан ўзаро алоқаси, жигар яллиғланиши даражаси ва унинг АТПЗ бўлган болалардаги детоксик функциялари аниқланган;

болалар неврологиясида кенг қўлланилиши мумкин бўлган АТПЗ асоратларини прогнозлашнинг диагностик мезонлари жадвали ва ташхислаш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

АТПЗ ўтказиш асоратининг олдин ўрганилмаган механизмлари, ривожланиш даври, гипоксия оғирлик даражаси ва унинг пайдо бўлишдаги асосий синдромларига кўра функционал ва органик бузилиш хавфи омиллари аниқланган;

эрта ва кеч қайта тикланиш даврларида, функционал ва органик бузилишларда АТПЗ асоратлари синдромларини ташхислаш алгоритми ишлаб чиқилган;

биокимёвий ва иммунофермент комплекс текшируви асосида гипоксия-ишемик характерли АТПЗ ўтказган болаларда бош миянинг функционал ва органик бузилишини прогнозлаш мезонлари ишлаб чиқилган;

АТПЗ бўлган болалар қонида нейроспецифик оксиллар (НСО) ва мембранани шикастловчи маркерлар, ферментлар миқдорининг мониторинги касалликни эрта аниқлаш, даволаш ва реабилитация қилиш имконини яратади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тажрибаларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, бемор болалар сонининг етарли эканлиги, шунингдек, тадқиқотнинг клиник, функционал, биокимёвий, иммунофермент, статистик усулларидан фойдаланилганлиги, олинган натижаларнинг халқаро ва маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги ҳамда ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти АТПЗ бўлган болалар гипоксиясида бош мия яллиғланишининг клиник, функционал ва молекуляр механизмларини ўрганиш асосида асаб хужайралари яллиғланиши механизмининг замонавий схемаси ишлаб чиқилиши билан изоҳланади. Бу схема асаб хужайралари яллиғланишининг молекуляр механизмлари, липидларнинг перекисли оксидланиши (ЛПО) жадаллашуви, нейроспецифик оксилларнинг қонга чиқиши ва иммун-яллиғланиш жараёнларини ўз ичига олади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти АТПЗ асоратларини прогнозлаш, эрта ташхислашда нейроспецифик оксиллар ва яллиғланган цитокинларни аниқлашнинг диагностик самарадорлиги, юқори ўзига хослиги, сезувчанлиги исботланганлиги билан изоҳланади. АТПЗ асоратида функционал ва органик бузилишларнинг прогнозлаш ва ташхислаш учун ишлаб чиқилган алгоритм, шунингдек, асаб тизими хужайралари яллиғланиши оғирлик даражасини белгилаш мезонлари ПМРОҚ, ПНРОҚ хавфли гуруҳи ва шайтонлаш синдромини шакллантиришга, БЦФ ёки симптоматик эпилепсияларни прогнозлашга ёрдам беради. Биологик суяқликларда НСО миқдори динамикасини ўрганиш фақатгина церебрал яллиғланишни эрта ташхислашга имкон яратибгина қолмай, балки ўтказиладиган терапия самарадорлигини назорат қилиб, даволаш-реабилитация чора-тадбирлари тизимини жорий қилишга ёрдам беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Болалар асаб тизими перинатал шикастланиши, клиник-биокимёвий параллеллари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Марказий асаб тизими перинатал шикастланишини ўтказган илк ёшли болалар текшируви алгоритми» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 3 мартдаги 8н-р/67-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма перинатал шикастланишни ўтказган илк ёшли

болаларда ташхислашни яхшилаш, дифференциал ташхислаш ва алгоритм яратиш имконини берган;

«Болаларда марказий асаб тизими перинатал шикастланиши оғирлик даражасини аниқлаш ва прогнозлаш» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 13 октябрдаги 8н-р/336-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма болалар марказий асаб тизими перинатал шикастланишида ташхислашни яхшилаш, дифференциал ташхислаш, функционал ва органик асоратлар хавфи ривожланишини прогнозлаш имконини беради;

«Илк ёшли болаларда марказий асаб тизими перинатал шикастланиши патогенезида яллиғланган цитокинлар» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 13 октябрдаги 8н-р/149-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма илк ёшли болаларда марказий асаб тизими перинатал шикастланиши касаллигини эрта ташхислаш ва патогенетик асосланган самарали даволаш имконини беради;

болаларда перинатал асаб тизими шикастланиши ва уларнинг ривожланишини клиник ташхислаш ва даволашнинг самарали тизимини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика болалар клиник шифохонаси, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Хоразм вилоятлари болалар клиникалари клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 30 апрелдаги 8н-з/64-сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларининг клиник амалиётга жорий қилиниши бемор болаларда бош мияда деструктив жараёнини эрта аниқлаш ва даволаш тактикасини ўз вақтида бошлаш, болалар ўлими ва ногиронлигини камайтиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 22 та илмий иш чоп этилган бўлиб, улардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, шундан 11 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 196 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва

амалий натижалари баён қилинган, олинган маълумотларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Болаларда АТПЗ асоратлари эпидемиологияси, таснифи, хавф омиллари, патогенези ва давоси ҳақида замонавий тасаввурлар**» деб номланган биринчи бобида чақалоқларда перинатал гипоксия оқибатлари тарқалганлиги ва таснифи, такрорланиши борасида илмий маълумотлар таҳлили, асаб тизими перинатал гипоксия ривожланишининг патогенетик механизмлари, уни даволаш усуллари ёритилган, шу билан бирга бу муаммо юзасидан ечилмаган ва аниқлик киритиш лозим бўлган жиҳатлари аниқланган.

Диссертациянинг «**Клиник материал тавсифи ва тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида материаллар таърифи ва тадқиқот усуллари келтирилган. Тадқиқот иши болалар неврологияси кафедраси ва Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг клиник диагностика лабораториясида олиб борилди. Тадқиқот Тошкент шаҳридаги 1-сон ШБKK асаб касалликлари бўлимида МАТ перинатал шикастланиши асоратлари билан стационар даволанаётган 263 нафар 3 ойликдан 3 ёшгача бўлган бемор болаларда ўтказилди. Назорат гуруҳидагилар МАТ перинатал шикастланмаган ва ўткир инфекциян яллиғланиш касалликлари бўлмаган 40 нафар болани ташкил этди (ўртача ёш $2,34 \pm 0,27$ ёш). Ташхис 2014 йил таклиф этилган АТПЗ қайта тикланиш даври синдромлари таснифига кўра қўйилди.

Синдромологик ташхис учун клиник симптоматика, клиник-лабораториявий ва инструментал тадқиқот усуллари натижалари, шунингдек, баъзи шикастланиш синдромларининг транзитор хусусиятини тасдиқловчи болалар мияси нейропластикаси ҳақидаги маълумотлар асос бўлди. АТПЗ асоратлари клиник юзага келишига кўра қайта тиклаш даври синдромлари бўйича 1 ёшгача бўлган 107 нафар бола 6 гуруҳга бўлинди: 1-гуруҳда 15 нафар бола шайтонлашсиз пароксизм билан; 2-гуруҳда 22 нафар вегетатив дисфункция билан; 3-гуруҳда 20 нафар ПМРОҚ ва ПНРОҚ билан; 4-гуруҳда 20 нафар психо-эмоционал синдром билан (ПЭСБ); 5-гуруҳда 14 нафар парасомния билан; 6-гуруҳда 16 нафар бола шайтонлаш синдроми (ШС) билан даволанган. Миянинг перинатал шикастланиши асоратлари бўлган 1 ёшдан 3 ёшгача ораликдаги болалар 156 нафарни ташкил этди ва улар 2 та гуруҳга бўлинди: функционал ўзгаришлар билан (86 нафар бола) ва органик ўзгаришлар билан (70 нафар бола). Функционал ўзгаришли болалар қуйидаги гуруҳларга бўлинди: 1-гуруҳда 24 нафар шайтонлашсиз пароксизмли болалар; 2-гуруҳда 14 нафар вегетатив дисфункцияли болалар; 3-гуруҳда 8 нафар ривожланишдан орқада қолмаган болаларда нутқ бузилиши; 4-гуруҳда ПЭСБ бўлган 20 нафар бола; 5-гуруҳда 20 нафар уйкуси бузилган бола (Парасомния).

Органик бузилиш 1 ёшдан катта бўлган 70 нафар болада аниқланди. Улар қуйидаги 3 гуруҳга бўлинди: 1-гуруҳга 25 нафар ПМРОҚ; 2-гуруҳга 23

нафар ПНРОҚ; 3-гурухга 22 нафар ШС ташхиси қўйилган бола. Худди шундай ўзгаришлар 2 ёшдан катта болалар гуруҳларида ҳам кузатилди. Шунини таъкидлаш керакки, органик бузилиш асоратида ПМРОҚ ва ПНРОҚ пайдо бўлган болалар БЦФ ривожланиш хавфи бўлган гуруҳни ташкил этишди.

АТПЗ асоратли болалар текшируви қуйидагиларни ўз ичига олади: клиник-неврологик кўрик, МАТ ва вегетатив асаб тизими (ВАТ) функциялари тадқиқоти, УТТ текшируви (нейросонография (НСГ), «SONOSCOPE-300», «KRANSBUHLER» фирмаси, Германия маҳсулоти); бош мия МРТси (MAGNETOM C1 аппарати «SIEMENS» фирмаси, Германия), биокимёвий (малонли диен альдегид (МДА) – Нагоев Б.С. ва бошқ. усули бўйича; ўрта молекула оксиди (ЎМО) – Габриэлян Н.И., Липатова В.И. усули бўйича; макро- ва микроэлементлар, умумбиокимёвий тадқиқотлар) ва яллиғланган цитокинларнинг иммунологик тадқиқоти (IL-1 β , IL-6 ва TNF- α) «Вектор-Бест» (Россия, Новосибирск), болалар қон зардобидаги нейротрофик оксиллар: NGF «RayBiotech» (АҚШ), NSE ва S-100 оксидида аутоантитаначаларни «CanAg» (Швеция) тижорат тест-тизимидан фойдаланиб иммунфермент таҳлил усулида амалга оширилди.

АТПЗ асоратларини аниқловчи ташхислашнинг самарадорлигини аниқлаш учун фойдаланилган иммунфермент ва биокимёвий усулларни биз А.А.Кишкун (2007) тавсиялари усулига кўра диагностик таъсирчанлик (ДТ), диагностик ўзига хослик (ДХ), олдиндан айтишнинг ижобий аҳамияти (ОАИА) ёки салбий (ОАСА) натижалар ва диагностик самарадорлик (ДС) асосида ҳисоблаб чиқдик.

АТПЗ асоратларини қайта тикланиш даври синдромларига кўра даволаш медекаментоз терапия, массаж, даволаш гимнастикаси ва физиотерапия ва педагогик коррекцияни ўз ичига олади. Даволанишга бўлган талаб етарлича баланд бўлиши лозим ва перинатал даврдаги МАТ шикастланиш асоратларини даволашда асосий урғу жисмоний таъсир усулига қаратилади (даволаш гимнастикаси, массаж, физиотерапия ва бошқ.), шу билан бирга медекаментоз билан даволаш кўпинча маълум қолипларга солинган бўлади.

Тадқиқотлар натижасида олинган маълумотлар статистик ишлов функциялари киритилган Microsoft Office Excel-2012 дастурий пакети ёрдамида Pentium-IV шахсий компютерида статистик ишланди. Ўрганилаётган кўрсаткичнинг ўртача арифметик қиймати (M), ўртача квадратик силжиш (σ), ўртача қийматнинг стандарт хатоси (m), нисбий кўрсаткичлар (частота, %)ни ҳисоблаш билан параметрик ва нопараметрик вариацион статистика усулларида фойдаланилди. Ўртача қийматларни қийслаш натижасида олинган кўрсаткичларнинг статистик аҳамияти хато эҳтимоли (p)ни ва бош дисперсиялар тенглиги (F-Фишер мезони)ни ҳисоблаган ҳолда Стъюдент (t) мезони бўйича аниқланди. Ишончлилик даражаси $p < 0,05$ га тенг кўрсаткичлар статистик аҳамиятли ўзгаришлар сифатида қаралди. Белгиларнинг ўзаро боғлиқлигини таҳлил қилиш учун Пирсоннинг жуфтлик корреляцияси коэффициенти (r) ҳисобланди.

Диссертациянинг «АТПЗ ўтказиш натижаси ва асорати бўлган болаларда клиник-инструментал тадқиқотлар натижалари» деб номланган учинчи бобда клиник ва параклиник тадқиқотлар натижалари келтирилган. АТПЗ ривожланиш хавфининг асосий омиллари ва қайта тикланиш давридаги турли синдромларини ретроспектив таҳлил қилишда АТПЗ муайян юзага келиш хавфининг ҳам умумий, ҳам ўзига хос омиллари аниқланди. АТПЗ учун умумий омил ижтимоий омил ҳисобланади (нохуш уй шароити ва психоэмоционал стресс), оналик (3 ва ундан кўп ҳомиладорлик, ҳомиладорлик даврида ўРВИ ўтказиш, туғиш даврида жон-жахди билан кучаниш), янги туғилганлик (киндикка ўралиш ва асфиксия). Ўзига хослик: қайта тикланиш давридаги шайтонлашсиз пароксизм синдроми учун (ҳомиладорликда анемия, акушерлик қисқичларидан фойдаланиш, камсувлик, кефалогематома), ПМРОҚ синдроми учун (стресс, кефалогематома, бош мия нервлари (БМН) шикастланиши), ПНРОҚ синдроми (камсувлик) ва ШС (ҳомиладорлар анемияси, тос билан ётиш, кефалогематома, БМН шикастланиши).

АТПЗ қайта тикланиш даври мобайнида болаларда турли синдромлар юзага келишининг клиник ўзига хосликларини баҳолаш неврологик статусни стандарт текшириш асосида олиб борилди. Олиб борилган тадқиқотлар касаллик асоратларининг шаклланиши 12 ойликда МАТ шикастланиши оғирлик даражасига боғлиқлигини кўрсатди: 88,9% енгил босқичдаги болаларда соғайиш кузатилди, 11,1% болаларда эса функционал бузилиш аниқланди. Ўртача оғирликдаги беморларнинг 54,6% и соғайди, 34,1% ида эса функционал бузилиш ва 11,3% болада органик асоратлар аниқланди.

Оғир даражадаги гипоксия ўтказган бемор болаларнинг 1/3 қисмида соғайиш кузатилди (29,1%), функционал бузилиш бўлган болалар 22,8% ни, органик бузилишдагилар 48,1% ни ташкил этди. Кузатилаётган барча болаларда функционал бузилиш асаб тизими вегетатив дисфункцияси симптомлари ва (уйқу бузилиши) диссомния билан акс этди. Салбий асоратлар таркибида церебрал органик танқислик ўртача оғирлик даражаси билан солиштирилганда оғир даражали гипоксияда ҳаракатланиш бузилиши синдромлари, психомотор ривожланишнинг орқада қолиши, сомнологик бузилишлар кўринишида 4 барабар кўплиги аниқланди, 11,4% МАТ оғир даражада шикастланиш бўлган болаларда ногиронлик шаклланган ва қуйидаги патологияни ўз ичига олган: БЦФ (6,3%), эпилепсия (3,8%), окклюзион гидроцефалия (1,3%).

МАТ оғир даражадаги шикастланиш бўлган болалар ҳаётининг 2- ва 3-йилларида статик-моторик ривожланиш орқада қолган (43 ва 26,6%) шу билан бирга тикловчи терапиядан сўнг пасайишга мойиллик бўлган. Ушбу гуруҳдаги уч ёшли (26,6%) болаларда моторик ривожланишнинг орқада қолиши АТПЗнинг ўртача ва енгил даражасида ҳамда назорат гуруҳидаги болаларга караганда 4 барабар кўп бўлган ($p < 0,05$) (1-жадвал).

1-жадвал

АТПЗ турли асоратларининг 3 ёшли болаларда учраши ҳолати

Клиник синдромлар	Енгил	Ўртача	Оғир	Жами
Соғлом	90,2*	64,9***	34,2	62,5
Резидуал танқислик:	9,8*	35,1***	65,8	37,6
Функционал бузилишлар	9,8*	34,07	48,1	31,5
РЦОЕ (Резидуал церебрал органик етишмовчилик)	0	1,03***	17,7	6,1

Изоҳ: * – 1-гуруҳнинг 2-,3-гуруҳлардан фарқига кўра ишончлилик, $p < 0,05$; ** – 1-гуруҳнинг 2-гуруҳдан фарқига кўра ишончлилик, $p < 0,05$; *** – 2-гуруҳнинг 3-гуруҳдан фарқига кўра ишончлилик, $p < 0,05$.

Асаб-руҳий ривожланишининг орқада қолиши асосан АТПЗ оғир даражаси бўлган болаларда аниқланди. Ҳаётининг 2-,3-йилларида 2 ва ундан кўпроқ неврологик синдромлар кўзга ташланди. Кўпроқ эътибор етишмаслиги ва гиперфаоллик билан психомотор ривожланишдан орқада қолиш ва сомнологик (уйқу) бузилиш АТПЗ оғир даражасидаги ҳар 3 нафар боланинг бирида учрайди. Келтирилган маълумотлар АТПЗ болаларда неврологик соматик статус шаклланишига, уларнинг жисмоний ривожланишига ва саломатлигига салбий таъсир кўрсатишини исботлайди. Аниқланган патологик жараён ривожланиши қонунийлиги бемор болаларда комплекс ва босқичма-босқич асосий терапия ва реабилитацияни аниқлаб олиб боришни талаб этади.

Болалар неврологияси ва неонатологиянинг долзарб муаммоларидан бири янги туғилган чақалоқларда бош мия шикастланишининг турли шакллари эрта ташхислаш бўлиб қолмоқда. Топик ташхислашнинг қийинчилиги МАТнинг анатомик ва функционал етилмаганлиги ва бошсуяги ичи турли кўринишли патологик жараёнларга мияда жавоб тариқасида носпецифик полиморф реакциялар билан изоҳланади. Шунга кўра, биз дифференциал ташхис ва шикастланиш оғирлик даражасини аниқлаш учун бош мия НСГсини ўтказдик, натижада бош миянинг гипоксик-геморрагик шикастланишининг юқори частотаси аниқланди: гиперэхоген кўринишининг турли кўринишли шакллари турида миянинг ликвор макони минимал ўзгарди, кўпроқ асимметрия билан ёнбош қоринчалар ўзгарди. Тромбларни эритиш жараёнида томир тўқималари тепаси бир неча хил таркиб ва нотекис контур билан қалинлашгандек кўринди. Аксарият болаларда кўпинча церебрал ишемия оғирлигининг биринчи ва иккинчи даражалари пайдо бўлган бош мия гипоксик-ишемик шикастланиши қайд этилган.

Қайта текширувларнинг аксариятида гиперэхогенлик йўқолган, айримларида унинг ўрнига киста ёки ёлғон киста кўринишли анэхоген ҳудудлар шаклланган, одатда улар текширувдан сўнг 1-ойнинг охирида пайдо бўлган. Перивентрикулярли лейкомаляциянинг II босқичида кистанинг йўқолиши тадқиқотимизда 4-5 ойдаги текширувларда кузатилди. Баъзи

ҳолатларда биз уларнинг ўрнини глиал тўқималар ёки чандиқлар эгаллаганини кузатдик. Шундай бўлса-да, нейросонография белгилари ва клиник асоратлар алоқаси доимо қонуний асосда эмас, бизнинг ҳолатларда 12,3% хатолик билан юзага келди. Шунга кўра биз нейросонографияни скрининг усулида кўриб чиқишни эмас, болалар гуруҳини ажратиб беришга кўмаклашуви компьютер томографияси, магнит резонанс, протон-спектроскопик текширувлар ва бошқа даволаш усуллари тавсия этамиз.

Миянинг умумий биоэлектрик фаоллиги ўзгаришида асосий фаолият секинлашуви кўринишидаги диффуз хусусиятли электроэнцефалография (ЭЭГ)нинг оғиши кузатилди. Ўчоқли жараёнларда секин тўлқинлар, баъзан вольтажнинг камайиши ва уларнинг текисланиши билан тавсифланадиган ЭЭГнинг локал ўзгариши аниқланди. Илк ёшли болаларда патологик фаол ўчоқни ЭЭГда чеклаш қийин. Баъзи ҳолатларда эпилептик кўринишидаги, пароксизмал фаоллик аниқланди, эмизикли болалардаги шайтонлаш ҳолатларида эса ЭЭГда диффузиявий аралаш шайтонлаш потенциаллари кузатилди. Марказий асаб тизими органик шикастланишида ЭЭГда биопотенциаллар тебранишининг турғун асимметрияси кузатилди. ПМРОҚ беморлар ЭЭГ текширувида секин маромнинг кўп бўлиши билан электрфаолликнинг дезорганизацияси, биопотенциаллар асимметрияси аниқланди. Шайтонлаш хуружлари билан азият чекадиган ГИЭ бўлган болаларда узоқ муддатли неврологик оғиш 30–75% ни ташкил этди. Шундай қилиб, ЭЭГ-текшируви бош мия нейродинамикаси бузилиши ҳақида маълумот берди ва АТПЗ асоратларини муҳим башоратловчи мезон деб ҳисоблаш мумкин.

Тадқиқотимизда доплерографиянинг диагностик ва прогностик аҳамияти унча юқори эмас, АТПЗ ўтказган атиги 25% болаларда мия қон томирларида қон тезлигининг пасайиши кузатилди. Компьютер томография (КТ) фокал ва мультифокал ўчоқлар ташхисида анча информатив, шунинг учун ушбу усулдан фойдаланишда биз дифференциал ташхис зарур деган хулосага келдик ва уни шошилиш ҳолатларда ўтказдик. МРТ шикастланишининг оғир даражаси бўлган болаларда ўтказилди, текширув нафақат мия моддалари макроструктураси бузилишини, бош суяги ичи қон қуйилиши ҳажми ва кенгайишига йўл қўймасликни, ликвор йўллари ўлчамини баҳолашга имконият яратибгина қолмай, мия зичлигининг ошган ва пасайган ўчоқларини аниқлашга ҳам ёрдам беради, 14% ҳолатларда мия қобиғи шикастланиши неврологик шикастланишлар хусусиятларини очиб берди ва шайтонлаш мавжудлиги бу болаларни симптоматик эпилепсияга олиб келиши билан изоҳланди. 21% ҳолатларда такрорий МРТ текшируви ўтказиш зарур бўлган, хусусан, БЦФ хавфи бор гуруҳларда ташхис қўйилишида аниқланган прогностик мезонларни акс эттиришга хизмат қилди.

Демак, тадқиқотнинг клиник ва параклиник усуллари тўлақонли прогностик аҳамият касб этмайди, нейронлар ишемиядан сўнг шикастланишининг молекуляр механизмлари тўлалигича аниқланмаган, асаб тизими шикастланиши асоратларининг оғирлик даражасини дифференциал

ташхислашда маркерлардан фойдаланиб эрта ташхислашнинг аниқ мезонлари етарлича ишлаб чиқилмаган.

Диссертациянинг «Перинатал гипоксия ўтказган болаларда бош мия шикастланишининг клиник-лабораториявий баҳоси» деб номланган тўртинчи бобида АТПЗ ривожланишининг биокимёвий ва иммунологик механизмлари кўрсатилган. АТПЗ ўтказган болаларда қайта тикланиш даврида ишемик-гипоксик қолдиқлар мавжудлигини акс эттирувчи нейроспецифик оқсиллар миқдори ошгани ва МАТ қайта тиклантирувчи кўрсаткич бўлганлиги аниқланди. Юқорида санаб ўтилган нейроспецифик оқсилларнинг кўпроқ оғиши психомотор ва психонутқ ривожланиши орқада қолган ҳамда шайтонлаш синдромли гуруҳ болаларига хосдир. АТПЗ тикланиш давридаги бир ёшдан ошган болаларда функционал бузилишларнинг нафақат сақланиб қолгани, балки бошқа гуруҳлардаги болаларга нисбатан уларнинг ошгани кузатилди. Биз айрим специфик ўзига хосликларни аниқладик (2-жадвал).

2-жадвал

АТПЗ ўтказган қайта тикланиш даврида болалар қони зардобдаги нейротрофик оқсиллар миқдори, М±m

Қайта тикланиш даври синдромлари	S100, нг/л	NSE, мг/л	NGF, пг/мл
Шайтонлашсиз пароксизмлар, n=15	342,28±21,50*	17,20±1,12*	122,59±10,60
Вегетатив дисфункция, n=22	232,21±17,24*	12,42±0,91*	116,28±6,34
ПМРОҚ ва ПНРОҚ, n=20	345,62±24,74*	23,32±1,91*	197,44±11,78*
ПЭСБ, n=20	230,18±13,27*	19,12±1,28*	122,37±8,71
Парасомния, n=14	246,78±12,82*	17,29±1,23*	116,73±7,56
Шайтонлаш синдроми, n=16	342,49±22,82*	23,21±1,29*	233,16±10,51*
Назорат, n=10	67,61±4,12	8,92±0,46	91,04±6,24

изоҳ: * – фарқ АТПЗ ўтказган назорат гуруҳидаги болалар кўрсаткичларга кўра ишончли, P<0,001. Назорат гуруҳи норматив кўрсаткич сифатида олинган.

Кўпинча, S-100 оқсили миқдорининг тезкор ошиши шайтонлашсиз пароксизм ва уйқу бузилиши мавжуд болалар гуруҳига хос бўлган. NGF миқдори шайтонлашсиз пароксизм ва ПЭСБда, NSE фаоллиги эса барча гуруҳларда тахминан бир хил ўзгарган. Биз АТПЗ ўтказгандан кейин органик бузилишли бир ёшдан ошган болаларда барча ўрганилган оқсилларни қайта тикланиш давридаги болалар кўрсаткичларига нисбатан тезкор кўпайганини кузатдик. Бунда 2 ёшдан ошган 11 нафар бола ПМРОҚ ва 10 нафар бола ПНРОҚ билан БЦФ ривожланиши хавфи бўлган гуруҳларга киритилган, НСО миқдори 1 ёшдан 2 ёшгача бўлган болалар гуруҳида сезиларли юқори кўрсаткичда бўлган. Олинган натижалар шуни кўрсатдики, ушбу параметрлар даражасининг ошиши салбий белгилар прогнозини баҳолашга асос бўлиб хизмат қилади. Гуруҳларда мавжуд фарқни биз аниқламадик.

АТПЗ натижасида асаб тўқималари шикастланишини баҳоловчи тест маълумотлари асосида диагностик таъсирчанлик ва ўзига хослик таҳлили унинг юқори таъсирчанлиги ва ўзига хослигини кўрсатди. Олинган натижалар S100 оксили миқдорининг ташхисий аҳамиятини исботлайди, шундай қилиб унинг ташхислаш самарадорлиги барча ўрганилган гуруҳлар учун 90,6 – 95,2% га тенг. S100 оксилининг нисбатан юқори миқдори нохуш прогнозни келтириб чиқарди. Неврологик симптоматика таҳлили унинг регрессия муддати S100 оксили зардобли миқдори билан тўғридан-тўғри пропорционал корреляцияланганини кўрсатдики, у ҳаётнинг биринчи куниданоқ қанча юқори бўлса, МАТ функциялари нормаллашуви ҳатто структуравий ўзгариш бўлмаган болаларда ҳам шунча секинроқ юз берган.

АТПЗ давомида болаларда NSE фаоллигини аниқлаш ҳам информатив бўлиб, асаб тўқималари шикастланишида у асосий маркер, хужайраларда нейроэктодермал юзага келишда иштирок этувчи МАТнинг ички тўқимали ферменти ҳисобланади. Назаримизда, неврологик статусда яшиланишига қарамай NSE кўрсаткичларининг ўсиши ва МАТнинг енгил ва ўртача оғирлик билан шикастланган болаларда УТТ маълумотларига кўра мия структураси бузилиши йўқлиги патологик жараён тугамаганлиги ҳақида клиник-инструментал маълумотларга қараганда реконвалесценция динамикасини аниқроқ акс эттириб исботлайди.

АТПЗ ўтказган болаларда NGF зардобли концентрацияси тадқиқоти шикастланишнинг клиник вариантларидан келиб чиқиб турли даражаларда мавжуд омил ошишини аниқлашга имкон яратди, бу эса асаб тўқималари трофикаси бузилишида ишончли диагностик маркер бўлиб хизмат қилди. Дарҳақиқат, тест маълумотлари турли гуруҳлардаги болаларда диагностик таъсирчанлик юқори бўлиб 95–100%, ўзига хослик 95% ва диагностик самарадорлик 85,3–97,6% га тенглигини кўрсатади. Олинган натижалардан диагностик ва прогностик мақсадларда фойдаланиш мумкин. Адабиётлардаги маълумотларга кўра, NGF хужайра-нишонларда яширинади ва ушбу хужайраларда синапслар кўринишини ҳосил қилиб нейронларга специфик рецепторлар билан боғланади.

АТПЗ ўтказган асоратли болалар қони зардобдаги биокимёвий кўрсаткичлар натижаларини хулоса қилиб, НСО ошгани ҳақида таъкидлаш керак бўлади. Хусусан, органик шикастланишли болаларда мия ишемик-гипоксик шикастланишининг қолдиқлари мавжудлигини кўрсатади. Уларнинг кўпроқ оғиши психомотор ва психикнутқ ривожланиши орқада қолган ва шайтонлаш синдромли болалар гуруҳига хос бўлган.

Тадқиқотлар натижасида қуйидаги специфик ўзига хосликлар аниқланди: S100 оксили миқдорининг тезкор ошиши шайтонлашсиз пароксизм ва уйқу бузилиши бўлган болалар гуруҳида; NGF миқдори шайтонлашсиз пароксизм ва ПЭСБ бўлган болалар гуруҳида, NSE фаоллиги эса барча гуруҳларда тахминан бир хил ўзгарган. Ушбу ўзгаришлар синдромлар ривожланиши доирасида янада чуқурлашади ва прогностик нохуш белгиларни келтириб чиқаради. Ташхиснинг бошқа усуллари билан таққослаганда улар юқори таъсирчан эканлигини кўрсатди ва церебрал

шикастланишда эрта ташхислашни олиб боришга ҳамда терапия самарадорлигини назорат қилишга имконият яратди.

Болаларда АТПЗ асоратлари асосан ШС мавжуд бўлганда яллиғланган цитокинлар, асосан, IL-1 цитокин индукцияси билан тавсифланади. Бу АТПЗ ўтказган органик асоратли болаларда кўпроқ юзага келади, (3-жадвал). TNF- α , IL-1 ва IL-6 гиперэкспрессияси асаб тизими хужайралари гипоксиядан шикастланган иммуняллиғланган жараёнларни акс эттиради. IL-1, IL-6, TNF- α ва SRP миқдорий кўрсаткичлар болаларда церебрал шикастланиш патогенезда яллиғланган цитокинларнинг муҳим ролини исботлайди.

3-жадвал

АТПЗ ўтказган органик асоратли болаларни даволаш жараёнида, қон зардобидан нейротрофик оқсиллар миқдори, $M \pm m$

АТПЗ органик асоратли	S-100, нг/л	NSE, мг/л	NGF, пг/мл
Психомотор ривожланиш орқада қолиши, n=25	$456,20 \pm 27,47^a$ $212,44 \pm 13,91^{a,b}$	$33,29 \pm 3,29^a$ $17,18 \pm 4,44^{a,b}$	$294,46 \pm 17,84^a$ $176,87 \pm 14,55^{a,b}$
Психикнутқ ривожланиши орқада қолиши, n=23	$435,08 \pm 26,53^a$ $198,17 \pm 14,66^{a,b}$	$29,77 \pm 1,94^a$ $17,22 \pm 3,78^{a,b}$	$343,09 \pm 14,85^a$ $184,46 \pm 15,17^{a,b}$
Шайтонлаш синдром, n=22	$424,93 \pm 28,25^a$ $203,76 \pm 13,72^{a,b}$	$32,13 \pm 2,92^a$ $18,24 \pm 3,63^{a,b}$	$331,66 \pm 15,08^a$ $167,32 \pm 12,71^{a,b}$
Назорат, n=10	$76,11 \pm 3,23$	$9,22 \pm 0,61$	$104,93 \pm 2,04$

изох: 1) суратда даволашгача бўлган кўрсаткичлар кўрсатилган, махражда эса – даволашдан кейин; 2) а – фарқ назорат гуруҳи кўрсаткичига нисбатан ишончли, б – бошланғич параметрларга нисбатан ишончли, $P < 0,05$.

TNF- α миқдорини аниқлашнинг специфик таҳлили унинг юқори спецификлигини кўрсатди (90%), таъсирчанлик барча текширилаётган гуруҳ болалари учун 94,1–100% ни ташкил этди. Барча текширилаётган гуруҳостиларда ижобий натижалар прогностик аҳамияти 85,7% дан 91,3% оралиғида бўлди, салбий натижалар прогностик аҳамияти 94,7–100%. Тест маълумотлари диагностик самарадорлиги ҳам юқори бўлган ва марказий асаб тизими шикастланиш даражаси баҳоси учун 92,9% дан 95% гача бўлган.

IL-1 миқдорини аниқловчи диагностик спецификлик ўртача 85% ни ташкил этди. Бунда диагностик таъсирчанлик барча текширилаётган болалар гуруҳларида 100%, ижобий натижалар прогностик аҳамияти 80% дан 88% оралиғида, салбий натижалар прогностик аҳамияти 100% эканлиги кузатилди. Асаб тизими хужайралари шикастланиш даражасини баҳолаш диагностик самардорлиги юқори 90,6% дан 93% ни ташкил қилди.

IL-6 миқдорини аниқловчи диагностик спецификлик ўртача 90% ни ташкил этди, бунда диагностик таъсирчанлик барча текширилаётган гуруҳларда 100%, ижобий натижалар прогностик аҳамияти 85,7% – 91,7%, салбий натижалар прогностик аҳамияти 100% бўлди. Тест маълумотларидан фойдаланишдаги диагностик самардорлик ҳам юқори бўлган ва асаб тизими шикастланиш даражаси 93,7% – 95,2% ни ташкил қилган.

